

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 603-ҳадис

603 – وَعَنْ وَابِصَةَ بْنِ مَعْبُدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «جِئْتَ تَسْأَلُ عَنِ الْبِرِّ؟» قُلْتُ: نَعَمْ، فَقَالَ: «اسْتَفْتِ قَلْبَكَ، الْبِرُّ: مَا أَطْمَأْنَنْتَ إِلَيْهِ النَّفْسُ، وَأَطْمَأَنَّ إِلَيْهِ الْقَلْبُ، وَالْإِثْمُ مَا حَاكَ فِي النَّفْسِ وَتَرَدَّدَ فِي الصَّدْرِ، وَإِنْ أَفْتَاكَ النَّاسُ وَأَفْتَوْكَ». حَدِيثٌ حَسَنٌ، رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالِدَّارِمِيُّ فِي «مُسْنَدَيْهِمَا» [حم 4/228 مي 2575].

603. Вобиса ибн Маъбад розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларига келсам: «Сен яхшилик, эзгулик хусусида сўрагани келдингми?» дедилар.

- Ҳа! - деб жавоб бердим.

- Қалбингдан фатво сўра! Нафсинг ва қалбинг хотиржам бўлган нарса яхшиликдир. Одамлар фатво беришса ҳам ичингни ғаш қилиб, кўнглингга ўрнашмаган нарса гуноҳдир.

Ҳасан ҳадис бўлиб, имом Аҳмад ва Доримий ривояти.

Шарҳ: Бу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг мўжизаларидан бўлиб, ҳузурларидаги киши ҳали сўрамасидан туриб саволига жавоб қайтармоқдалар.

Шарҳ: Яхшилик ҳақида келтирилган таърифларнинг бирида: «Яхшилик - фарзу вожибларни қилиш. Ҳаромдан ҳазар қилиш. Одамларга очиқ юз билан қараб, уларга эҳсон қилиш», дейилган.

Ёмонлик кишининг фикрига келганда кўнгли тўлмайдиган ва ўша ишни қилишини одамлар кўриб қолишини истамайдиган нарсадир.

Дарҳақиқат, разм солиб мулоҳаза қиладиган бўлсак, ёмонларнинг ўзи ҳам ўзлари ёмонликни қиляётганда кўнгиллари тўлмайди ва одамлардан беркитади.

Бу ҳадиси шарифда «Яхшилик ҳусни хулқдир» дейилмоқда. Албатта, бу гап ҳусни хулқнинг нақадар катта нарса эканини кўрсатади. Шу билан бирга, бу ҳадиси шарифдан яхшилик ва ёмонликнинг турлари кўплигини ҳам билиб оламиз. Энди яхшиликларни ўрганишга киришамиз.

Киши учун бу дунёда унинг қиладиган яхшиликларига ота-онасидан кўра ҳақлироқ кимса йўқдир. Аммо ота-онадан қай бирлари бу яхшиликка сазоворроқ дейилса, ушбу ҳадиси шарифга биноан, албатта, она, деган жавоб берилади.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, одамлар ичида яхшилик қилишимга ким ҳақлироқ?» деди.

«Онанг», дедилар.

«Сўнгра ким?» деди.

«Онанг», дедилар.

«Яна ким?» деди.

«Онанг», дедилар.

«Яна ким?» деди.

«Отанг», дедилар».

Икки Шайх ривоят қилишган.

Онанинг бу тарзда отадан кўра уч баробар ҳақлироқ бўлиши боланинг дунёга келиши ва вояга етиши йўлида у тортган қийинчиликлар, тутган ўрни ва қилган хизматлари ҳисобигадир. Албатта, бола ҳомилалик пайтида она қийналади. Уни тўққиз ой ва ундан кўпроқ қорнида кўтариб юради. Уни ўз вужуди ила озиқлантиради. Умуман, она ҳомиласи учун яшайди, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Туғишни бўйинга олиш ўлимни бўйинга олишдир. Фарзанд муҳаббати онани ўша хатарни кўрқмай бўйинга олишга чорлайди. Кўпгина оналар шу сабаб ҳаётдан кўз юмадилар. Қолганлари эса, ўзлари соғ қолсалар ҳам, фарзандларини туғиб олгунча ўша хавфни яшаб ўтадилар.

Кейин болани эмизиш меҳнати келади. Кечалари ухламай, кундузлари дам олмай болага қараш керак бўлади. Уни ювиб-тараш, унга қараш осон

бўлмайди. Кейинроқ ҳам болани таомлантириш, кийинтириш ва бошқа-бошқа ҳамма хизматлар онанинг масъулиятида бўлади.

Ота бу хизматларнинг барчасида деярли четда туради. Шунинг учун ҳам унинг боладаги ҳаққи онанинг ҳаққидан кейинга қўйилган.

Аллоҳ таоло Ўзининг муборак Каломида шундай марҳамат қилади: **«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз»**. (Моида сураси, 2-оят).

Бу оятда Роббимиз барча мусулмонларни ушбу икки иш яъни, яхшилик ва тақво йўлида биргалашиб ҳаракат қилишга буюрмоқда. Хўш, яхшилик нима ўзи? Унинг аниқ бир мезони борми? Ёки ҳар ким ўз ақли ва савиясидан келиб чиқиб белгилайдими бу мезонни? Бу саволларнинг жавоби эса қуръони каримдаги бошқа бир оятда келади.

Ислом динида яхшилик Аллоҳ яхши деган нарсалардир. Уларнинг нима экани эса ушбу оятида тўлиқ таърифлаб берилган.

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 177-оятда:

«Яхшилик юзингизни Машриқ ёки Мағриб томонга буришингизда эмас», деб, яхшилик маълум бир ҳаракат ёки гап-сўзларни ўзича қилиш ва айтиш билан бўлиб қолмаслигини таъкидламоқда. Сўнгра эса, яхшилик нималигини таърифлашга ўтиб:

«Лекин яхшилик, ким Аллоҳга, охираат кунига, фаришталарга, китобга Пайғамбарларга иймон келтирса ва яхши кўрган молини қариндошларига, етимларга, мискинларга, ватангадоларга, тиланчиларга, қул озод қилшга берса намозни қоим қилса, закот берса. Аҳд қилганда аҳдига вафо қилиувчилар, камбағаллик, қийинчилик пайтида ва шиддат вақтида ҳам сабр қилувчиларга, ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар тақводорлардир», демоқда.

Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиздан иймон нима, деб сўраганларида, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ушбу оятни тиловат қилганлар. Кейин яна қайта сўраганларида яна шу оятни тиловат қилганлар.

Шундай қилиб, Аллоҳ битта оятда эътиқод асосларини, жон ва мол ибодатларини бирлаштириб, бир-биридан ажрамайдиган қилиб, уларнинг ҳаммасига «яхшилик» деб ном қўйди.

Шунинг учун ҳам ушбу ном остига кириб, унга амал қилганларни Аллоҳ таоло **«Ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар тақводорлардир»**, деб таърифламоқда.

Ана ўшалар Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтган тақводорлардир.

Суфёни Саврий ушбу оятни ўқиб туриб:

«Яхшиликнинг барча тури шу оятдадир», деганлар.

Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи:

«Ким шу оят билан сифатланса, Исломнинг барча соҳаларига кириб, яхшиликнинг бошидан тутган бўлади», деганлар.

Демак, яхшилик баъзи бир ишларга ўзича ҳар қил сифатлар бериб, адо этиш билан эмас, балки тақво асосида, яъни, Аллоҳнинг буюрганини қилиб, қайтарганидан қайтиш билан хосил бўлар экан.

Одам қайси иш яхши ва савобли эканини билмоқчи бўлса фарз, вожиб, суннат амалларига қарасин, агар унга ўхшашини топса яхши бўлади. Акс ҳолда эса гарчи кишига яхшиликдек кўринган амаллар ҳам инсон учун бефойда, балки, гуноҳкор бўлиб қолишига етарли асос бўлиб қолади.

Ибн Ҳажар Ҳайтамий айтадилар: «Мазкур ҳадис Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қисқа сўзларда улкан маъноларни ифодалашларига ёрқин мисолдир. Зеро, яхшилик калимаси барча хайрли ишлар ва яхши хислатларни ўз ичига олади».

Гуноҳ калимаси эса жами катта-кичик ёмон амаллар ва одатларга тегишлидир. Шу боис, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхшилик билан гуноҳ калималарини бир-бирига зид атамалар сифатида келтирдилар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI